



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д. Ф.А.Сафаров

катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:

и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Muhabbatxon Zayniddin qizi Berdaliyeva Zamonaviy sharoitda uy-joy qurilishini moliyalashtirish asoslari	151
To‘yli Gulmurodovich Ravshanov Misr mamlakatida turizm sohasini moliyalashtirish tizimining o‘ziga xos xususiyatlari	156
Наргиза Музафаровна Бабаева Суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари	162
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова Оилавий корхоналар фаолиятига таъсир қилувчи омилар таҳлилини такомиллаштириш	167
Дилмурод Холмўминович Жўраев Акциядорлик жамиятларида ҳисоб сиёсатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари	174
Otabek Olimjonovich Sobirov Boshqaruv hisobining mohiyati va uni tashkil etishda budjetlashtirishning ahamiyati	178
To‘lqin Ismatulla o‘g‘li Yahyoyev Qurilish korxonalarida ko‘rsatilgan xizmatlardan olingan daromadlar tahlili.	182
Юлдуз Шарафитдиновна Рахманова Инвестициявий кўчмас мулкларнинг тасарруф этилиши натижалари ҳисобини такомиллаштириш	185
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Nasiba Raxmatullayevna Ergasheva Qashqadaryo viloyati maktabgacha ta’lim tashkilotlarida outsorsing xizmatlaridan foydalanish mexanizmini takomillashtirish	190
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Саидахроп Гулямов, Мамаюнус Пардаев Ҳикмат ахтарганга ҳикматдир дунё	196
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Қуръон рақамларда	198

ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР

Ҳикмат ахтарганга ҳикматдир дунё

Ҳикматларга амал қилган кишининг ҳаёти безалган ва гўзал бўлар экан.

* * *

Ташқи кўринишимизни одамлар яхши кўради, биз эса фақат кўзгуда кўрамыз. Ички дунёмызни фақат тасаввур қиламиз холос. Уни ҳеч ким кўриб бўлмайди.

* * *

Ёлғончининг калласи яхши ишлайди, агар бундай бўлмаганда ишонтириш қийин бўларди.

* * *

Яхши ўқиган киши билимдон. Агар ундан ҳаётда фойдаланмаса ўзига бефарқ, нодондир.

* * *

Инсон ҳар бир кўрганидан хулоса чиқариб, уни яхшилик йўлида ишлатса, “бу одам кўпни кўрган”, деган унвонга сазовар бўлади.

* * *

Пулнинг кўплиги ҳам, йўқлиги ҳам Аллоҳнинг синови. Пулим кўп деб, кибрланманг, пулим йўқ, деб изтироб чекманг. Иккала ҳолат ҳам сабр қилиш учун синовдир.

* * *

Яхшиликни ўйлашнинг ўзи яхшилик. Бундай инсон фақат яхшилик қилади. Яхшилик қилган одам яхшилик куршовида хотиржам яшайди.

* * *

Ишлаганда вақтни кутсангиз, ўтиши қийин кечади. Ишнинг битишини кутсангиз вақт етишмай қолади.

* * *

Ҳикматлар инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида маънавий омил ва тарбия воситасидир.

* * *

Ҳикматлар инсонни эзгуликка, инсонпарварликка, меҳнатсеварликка ундаш билан бирга Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга ҳам хизмат қилади.

* * *

Бахтдан баҳраманд бўлиб яшашни англаш руҳиятини ҳам ҳикматлар орқали шакллантириш мумкиндир.

* * *

Агар одам ўзини яхши англаб улгурмаган бўлса, мансабга эришиш билан бирга одамгарчилик чегарасидан чиқиб боради.

* * *

Агар одам лақма бўлса унда фақат у билмаган сиргина ошкор бўлмайди.

* * *

Аллоҳдан ва мамлакатадаги қонунлардан бошқа нарсалардан кўрқиб яшайдиган инсонларнинг ҳаётида мазмун ва хотиржамлик бўлмайди.

* * *

Агар икки киши бир-бирига душман бўлса, уларни бошқалар гиж-гижламса, уларнинг душманлиги авж олиб кетмайди.

* * *

Энг хайрли ишлардан бири иккита келишмай қолган кишиларни яраштириб қўйишдир.

* * *

Ўзингизда борини қадрлашни ўрганинг, йўқотгандан кейин пушаймоннинг фойдаси йўқ.

* * *

Бугун саломатмисиз, унинг қадрига етиб яшанг. Саломатликни йўқотгандан кейин уни изтироб ва афсус билан тиклаб бўлмайди.

* * *

Сирингни билган одамнинг айтганини қилишга мажбур бўлиб қолсан, акс ҳолда сенинг сирингни ошкор қилиш билан кўрқитади.

* * *

Одамларнинг ишлашининг сабаблари: яшаш учун нон топиш, хўжайиннинг мақтовига сазовор бўлиш, тақдирланиш, кўп ҳолларда савоб олиш, охираат учун захира қилиш ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайди.

* * *

Бахтсиз одам бахтли одам билан дўст бўла олмайди. Чунки унинг бахтсизлигининг сабабларидан бири қалбида ҳасад борлигидадир.

* * *

Ҳасадгўйнинг дўсти бўлмайди. Чунки ўзидан зўрларга ҳасад қилса, ўзидан камбағалроқларга кибр қилади.

* * *

Олим бўлишдан олдин одам бўлиш лозим экан. Ҳақиқий инсон бўлмаган олимнинг инсонларга жамиятга фойдаси кам бўлар экан.

* * *

Фанга доир китобни ўқишдан олдин ҳикматларни ўқиш лозимдир. Таълим олишдан олдин тарбия олган бўлиш ҳам керак.

* * *

Бирданига одамларга яхшилик қилиш кўлингиздан келмаслиги мумкин, бироқ яхшилик қилиш ниятидан чекинмасдан яшанг. Албатта мақсадингизга эришасиз.

* * *

Телеграмнинг Aptekauz каналида (<https://t.me/+nxOHsj4uMVQ1YzI6>) “10 та ҳаёт ҳикмати!” берилган экан. Ушбу ҳикматларни Сайдахрор Гуломов домлага Нодиржон Абдурахманов деган киши йўллаган. Шу тариқа бу бизнинг эътиборимга ҳам тушди. Қарасак жуда яхши ҳикматлар экан, Сиз азиз ўқувчиларга ҳам илинишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Марҳамат танишинг:

* * *

Бахтли инсонлар бошқаларни ҳам бахтли кўришни исташади!

* * *

Ҳеч қачон омадсизликдан бош эгманг, чунки бахт куши ҳам эгик бошларга кўнмайди!

* * *

Ҳақиқий бахт - бу энг аввало саломатлик ва ота-онанинг меҳридир...!

* * *

Сизни ранжитган инсонларни кечиринг, аммо ўзингизга қайта яқинлаштирманг!

* * *

Аллоҳ инсонлар елкасига, улар кўтара олмайдиган юкни ташламайди!

* * *

Барчамизга ҳақиқат ёқади, аммо ҳақиқатни айтган одам ёқмайди!

* * *

Ночор аҳволда яшаш ҳар доим ҳам камбағаллик белгиси эмас, дангасалик белгиси ҳамдир!

* * *

Бойлик - пулнинг кўплиги эмас, нафснинг тўқлигидир!

* * *

Ростгўй инсон - ҳаммага душман!

* * *

Натижа ниятингизга боғлиқ эканлигини унутманг!

* * *

**Саидхрор Гулямов ва Мамаюнус Пардаевларнинг ҳамкорликда тайёрлаган
ҳикматларидан**

ИБРАТЛИ БИТИКЛАР

Қуръон рақамларда

- 30 пора;
- 114 сура;
- 6236 оят;
- 77.439 сўз;
- 323.015 ҳарф;
- 4 марта Муҳаммад;
- 136 марта Мусо исми;
- 25 марта Исо исми;
- 43 марта Нуҳ исми;
- 145 марта Ҳаёт ва ўлим сўзи;
- 4 марта Иссиқ ва совуқ;
- 24 марта Эркак ва аёл;
- 77 марта Жаннат ва дўзах;
- 115 марта Дунё ва охират;
- 25 марта Иймон ва Куфр;
- 88 марта Фаришталар ва шайтон;
- 34 марта Сажда сўзи;
- Қуръон: 22 йил 02 ой 22 кунда нозил бўлди;
- Энг катта сура Бақара 286 оят;
- Энг кичик сура Кавсар сураси 3 оятдан иборат.

Манба: https://t.me/+2a5MtekY8_JhOTAy

Бой бўлишни истасангиз...

Ростгўй одам бойдир,

Ёлғончи эса доим сиқилиб, эзилиб яшайди.

Такводор одам бойдир,

Фосиқ эса доимий ваҳшатда (ёлғизликда) яшайди.

Яхшилик қилувчи бойдир,

Ёмонлик қилувчи ўз ёмонлигидан қайғуга ботиб, ич-этини еб юради.

Олим одам илми билан бойдир,

Жоҳил эса илмсиз ёки илми оз бўлгани сабабли фақирдир.

Сабрли одам бойдир, сабрининг мукофотини олувчидир,

Умидсиз, бесабр одам маҳзундир.

Қариндошига силаи раҳм қилувчи одам бойдир,

Қариндоши билан алоқани узувчи ҳар қанча моли кўп бўлса ҳам фақирдир.

Ота-онасига яхшилик қилувчи бу яхшилигининг баракаси билан бойдир,

Уларга ёмонлик қилувчи фақирдир, яхшилик қилиш неъматидан маҳрумдир.

Қўли очиқ, саховатли киши бойдир. Чунки Аллоҳ таоло унинг садақалари ўрнини зиёдаси билан тўлдириб беради.

Бахил кимса ҳар қанча пули кўп бўлса ҳам фақирдир.

Аллоҳ таолони зикр қилувчи одам бойдир,

Аллоҳни зикр қилмай, ғафлатда юрган кимса фақирдир.

Аллоҳ таолога итоат қилувчи бойдир, бахтлидир,

Осий эса фақирдир, бахтсиздир.

"Ким бахтли бўлишни хоҳлайди?" номли мақоладан олинди.

Манба: Namoz Vaqtlari □ | Расмий канал: <https://t.me/+wP0Ytli-dpE5N2Q6>

Мамаюнус Пардаев – тизимлаштирувчи ва тўпловчи

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.